



МАЪМУРИЙ ВА ОММАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ЕРГА ОИД НИЗОЛАРНИНГ СУДДА КЎРИЛИШИГА ОИД АЙРИМ МАСАЛАЛАР

Омонов Умид Олимжонович

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7883417>

Калит сўзлар: ер участкаси, давлат ва жамоат эҳтиёжлари, ҳуқуқ эгаси, аризачи, манфаатдор шахс, жавобгар, мансабдор шахс, маъмурий орган, ариза, шикоят, компенсация, ишчи гуруҳ.

Аннотация: Мазкур мақолада маъмурий судлар томонидан кўриладиган ерга оид низоларларнинг суд амалиёти, қонун нормаларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари айрим жиҳатдан таҳлил қилинган.

Ключевые слова: земельный участок, государственные и общественные нужды, правообладатель, заявитель, заинтересованное лицо, ответственное лицо, должностное лицо, административный орган, заявление, жалоба, компенсация, рабочая группа.

Аннотация: В данной статье с некоторых аспектов анализируются особенности судопроизводства и применения правовых норм земельных споров, рассматриваемых административными судами.

Key words: land plot, state and public needs, right holder, applicant, interested person, responsible person, official, administrative body, application, complaint, compensation, working group.

Abstract: In this article, the specific features of the legal proceedings and the application of legal norms of land disputes handled by administrative courts are analyzed from some aspects.

Ўзбекистон Республикаси ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, хўжалик юретишнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Ушбу соҳада сўнги йилларда мамлакатимизда қатор ислоҳотлар амалга оширилиб, фуқароларнинг ерга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат бошқаруви фаолиятини тўғри йўлга қўйиш мақсад қилинди.

Жумладан мамлакатимиз раҳбари ташаббуслари билан ер муносабатлоарига оид қатор ислоҳотлар амалга оширилиб, Ўзбекистон



Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июнь кунги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сонли Фармони¹ қабул қилинди. Ушбу фармонга биноан 2021 йил 1 августдан бошлаб қуйидаги тартибларни белгилаш мақсад қилинди, яъни ер участкалари хусусий секторга — мулк ва ижара ҳуқуқи асосида, давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига (кейинги ўринларда — давлат ташкилотлари) — доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиладиган бўлди.

Шунингдек, мерос қилиб қолдирилладиган умрбод эгалик, доимий эгалик, вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан ер ажратиш тартиби бекор қилинади, бунда илгари ажратилган ер участкаларига бўлган бундай ҳуқуқлар уларнинг эгаларида амалдаги тартибда сақланиб қоладиган, ижарага олинган ер участкасида қонунчиликда белгиланган тартибда қурилган кўчмас мулк объектига мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ушбу объектга мулк ҳуқуқи билан биргаликда у жойлашган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ҳам янги мулкдорга ўтадиган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар барча турдаги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари иштирок эта оладиган очик электрон танлов якунларига кўра, фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратилладиган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилинадиган, давлат ташкилотларига ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилладиган тартиб белгиланди.

Ҳамда, барча ҳолларда ер участкалари фақат бўш турган ва захирага олинган ерлардан ажратилиши, айтиб бериш билан ёки бир вақтнинг ўзида ер участкасини олиб қўйиш, захирага олиш, бошқа шахсга ажратиш ер бериш тартибини бузиш ҳисобланиши ва қонунга мувофиқ жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши белгиланди.

Суд амалиётида ҳам фуқароларнинг ерга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари ҳимоя қилинишга сўнги йилларда катта аҳамият қаратилмоқди. Хусусан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек “Суд остонасига қадам қўйган

¹ [ПФ-6243-сон 08.06.2021. Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида \(lex.uz\)](#)



ҳар бир инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак²” шиори остида фаолият юритилмоқ.

Бунда 2017 йилда ташкил этилган маъмурий судларнинг ҳам ўрни беқиёсдир. Негаки ушбу судлар ташкил этилиши билан давлат бошқарув органларининг хусусан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятидаги ноқисликлар юзага чиқа бошлади. Ушбу судлар томонидан дастлаб кўрилган маъмурий ва оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низо юзасидан ариза предмети жавобгар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларига оид ҳаракат, ҳаракатсизлиги ёки қарорлари бўлди.

Инкор этиб бўлмайдик, маъмурий судлар ташкил этилгунига қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қонун бузилишлари, айниқса ер муносабатлари соҳасида ваколатларнинг суеъистемол қилиниши юқори даражада эди.

Ушбу тоифадаги судлар томонидан кўриладиган низоларнинг катта қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйилиш ва ерга нисбатан ҳуқуқ эгаларига мутаносиб компенсация қилиниши билан боғлиқ эди.

Судлар томонидан ушбу тоифадаги низоларнинг кўрилишида судлар томонидан Ер кодекси нормалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2006 йил 29 майда қабул қилинган (2020 йил 01 январда ўз кучини йўқотган) Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақидаги 97-сонли қарори³, Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан 2019 йил 16 ноябрда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар

² [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси \(2020 йил 24 январь\) | 2020 й. | Президентнинг маъруза ва нутқлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти | Давлат ҳуқуқий тизими асослари | ЎЗР ҚонунчилигиМаълумотлар тизими «Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси \(2020 йил 24 январь\)» | NRM.uz](#)

³ [97-сон 29.05.2006. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида \(lex.uz\)](#)



тўғрисида” 911-сонли қарори⁴, Ўзбекистон Республикасининг “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги 781-сонли қонуни⁵, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 08 январда қабул қилинган “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуни⁶, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 июнда қабул қилинган “Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида”ги ПФ-5421-сон фармони⁷ ва бошқа бир қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қўлланилади.

Шунингдек, суд томонидан ишларни кўриб чиқишда “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни⁸нинг 18-моддасида қайд этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовутлар бўлган тақдирда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилиши, тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовутлар бўлган тақдирда, кейинроқ қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қоидалари амал қилаиши ҳақидаги қоидалари ва 41-моддасида қайд этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмаслиги ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан қўлланилиши ҳақидаги қоидаларга қатъий амал қилиш муҳим масаладир. Негаки бунда судда ишларни кўриб чиқишда низоли ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиш даври, давомийлиги, муддатлар масаласи низога қонуний ечим топишда катта аҳамиятга эга.

Мисол учун бир фуқаронинг жавобгар маҳаллий давлат ҳокимияти органига нисбатан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкасини

⁴ [911-сон 16.11.2019. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида \(lex.uz\)](#)

⁵ [ЎРҚ-781-сон 29.06.2022. Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида \(lex.uz\)](#)

⁶ [ЎРҚ-457-сон 08.01.2018. Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида \(lex.uz\)](#)

⁷ [461-сон 21.06.2018. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида» 2018 йил 20 апрелдаги ПФ-5421-сон Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида \(lex.uz\)](#)

⁸ [ЎРҚ-682-сон 20.04.2021. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида \(lex.uz\)](#)



олиб қўйиш тўғрисидаги 2019 йил январь ойидаги қарори бўйича ишчи гураҳнинг хулосасига нисбатан низолашилаётганда ушбу ҳуқуқий муносабат бўйича ишчи гуруҳ ўз фаолиятини 2020 йилда кечикиб амалга ошираётган бўлса ҳам гарчи ушбу даврда юқорида қайд этилган 97-сонли қарор ўз кучини йўқотиб, 911-сонли қарор қабул қилинган бўлса ҳам, ушбу ҳуқуқий муносабатга нисбатан 97-сонли қарор нормалари қўлланилган бўлиши лозим. Негаки, бунда “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуннинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмаслиги ҳақидаги қоидалари амал қилади.

Ушбу ҳолатда агар фуқаро судга мурожаат қилишнинг Ўзбекистон Республикаси МСИЮтК⁹нинг 186-моддасида белгиланган муддатни ўтказиб юбориб мурожаат қилган ва суд фуқаронинг судга мурожаат қилиш муддатини утказиб юборганлигини узрсиз деб топган бўлса, суд бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 24-сонли қарори ¹⁰нинг 19-бандида белгиланган судга мурожаат қилиш муддати ўтказиб юборилган ёки ўтказиб юборилган муддатни тиклаш суд томонидан рад этилган бўлса, аризани қаноатлантириш рад қилиниши ҳақидаги қоидага амал қилиб ариза талабини рад қилади.

Бироқ, суд ушбу пленум қарорининг ушбу банди биринчи қисмига кўра, аризачининг судга мурожаат қилиш муддати ўтказиб юборилган бўлсада, ариза суд муҳокамаси жараёнида мазмунан кўриб чиқилади ва ариза талаби бўйича қонун бузилиши ҳолатларининг борлиги ёки йўқлигини аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси МСИЮтКнинг 174-моддаси талаби бўйича ишни кўриш чоғида давлат органининг ёки бошқа органнинг, юридик шахснинг, мансабдор шахснинг ёки фуқаронинг фаолиятида қонунчилик ҳужжатларининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, уларнинг ишда иштирокидан қатъи назар, суд хусусий ажрим чиқаришга ҳақли эканлиги белгиланган.

⁹ [25.01.2018. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси \(lex.uz\)](#)

¹⁰ [24-сон 24.12.2019. Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари \(ҳаракатсизлиги\) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида \(lex.uz\)](#)



Ушбу ҳолатда суд томонидан гарчи муддат қўлланилиб ариза талаби рад этилган бўлсада, фуқароларнинг ер муносабатларига оид низолари уларнинг мулк ҳуқуқларига жиддий таъсир ўтказишини инобатга олиб ер муносабатларига оид бўлган ҳар бир иш бўйича маъмурий органлар томонидан йўл қўйилган қонун бузилишлари аниқланса, 174-модда бўйича суд мажбуриятга эмас балки ҳуқуқга эга бўлсада, суд томонидан ҳар бир иш бўйича хусусий ажрим чиқариш, тегишли органдан ёки мансабдор шахсдан қонунчилик ҳужжатларининг бузилишида айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани ўзларининг ваколатига мувофиқ кўриб чиқишни талаб қилиш амалиётини йўлга қўйиш лозим. Зероки, маъмурий орган ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан судга мурожаат қилишларнинг муддатлари сунъий равишда ўтказиб юборилишига ҳаракат қилинмасин ва одат бўлиб қолинган қонун бузилиш амалиётларига чек қўйилсин.

Юқорида келтирилган асослардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида шуни айтишимиз керакки, судлар томонидан ер муносабатларига оид низолар кўриб чиқиладиганда низоли муносабатларнинг вужудга келиш даврини аниқлаш ва бунда Ўзбекистон Республикасининг “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни бўйича муносабатга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ нормалари доирасини аниқлаш ўта муҳим масаладир.

Шунингдек, судлар томонидан ушбу тоифадаги низолар кўриб чиқиладиганда қонунда белгиланган судга шикоят қилиш муддатига алоҳида этибор қаратиб, бунда маъмурий органлар томонидан фуқароларнинг мулк ҳуқуқлари бузилишига жиддий таъсир қилиниши инобатга олиниб, гарчи судга мурожаат қилиш муддати аризачи томонидан узурсиз ҳолатларда ўтказиб юборилган ҳамда шу асосда суд аризани рад қилган бўлсада, ҳар-бир қонун бузилиш ҳолатлари бўйича суд маъмурий орган ва уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан хусусий ажрим чиқариш амалиётини жорий қилиш лозим.